**БУГУН— СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ**

# ҲАҚИҚАТ ВА ОШКОРАЛИК МИНБАРИ

*• XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан*

## ҲАЁТ ТЎЛА АКС ЭТСИН

*«Совет Ўзбекистони» анкетаси*



1. Коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай ёйса бўлади?

3. Сизнингча қайта қуришга нималар халақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

**«Совет Ўзбекистони» анкетаси саволларига Фарғона область «Коммуна» газетаси редакторининг ўринбосари Аъзамжон ОРТИҚОВ жавоб беради.**

1. Газетада ишлаётганимга яқинда ўттиз йил бўлди. Очиқ гап, матбуот ошкоралик минбари эканини ҳозиргидек тўла-тўкис намоён этмаган эди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейинги йиллар мобайнида «Коммуна» газетаси саҳифаларида ҳам ҳаёт ўз қувонч ва ташвишлари, муаммолари билан, қўйингки, барча қарама-қаршиликлари, зиддиятлари билан яққол кўрина бошлади. Схематик, жонсиз материаллардан зериккан газетхон энди газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутадиган бўлди. Агар 1985 йилда газетамиз 50 минг нусха атрофида чоп этилган бўлса, ҳозир қарийб 65 минг нусхада чиқмоқда. Шу йилнинг январидан бошлаб редакциямиз рентабелли ташкилотга айланди ва хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпти.

Шу йилнинг биринчи кварталида редакцияга икки мингдан ортиқ турли мавзудаги хат-хабарлар, мақолалар келди. Уларнинг асосий қисми газета саҳифаларига олиб чиқилди. Редакция почтасида танқидий материалларнинг кўпайганлиги ўқувчилар ижтимоий активлигининг ошганлигидан далолат беради. Уч ой мобайнида 116 та танқидий хат олинди. И. Ильинскийнинг «Фарғоналик Дон Кихот» публицистик мақоласи газетанинг уч сонида эълон қилинди. «Умрингизда нима орттирдингиз?», «Боқимандалар», «Куйган юрак фарёди», «Ўргимчак уяси» каби қатор мақолаларда идеология ишидаги юзакичилик, расмиятчилик, коммунистик ахлоқ нормаларини поймол этиш ҳоллари қаттиқ танқид қилинди.

Маълумки, областимизда экологик жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар йиғилиб қолган. Редакция шу мавзуда изчил чиқишлар қилмоқда. Область прокурори А. Отажоновнинг «Бепарволик кечирилмайди», ирригатор Қ. Умаррасуловнинг «Манзилгоҳ соҳиллар қани?» сарлавҳали мунозарали мақолалари газетхонлар ҳукмига ҳавола қилинди. Редакция ҳозир ҳам ана шу мақолалар юзасидан кўплаб хатлар олаётир.

Газетада ҳали қайта қуриш моҳиятини тўла-тўкис ўзлаштиролмаган, унга очиқдан-очиқ ёки яширинча тўсқинлик қилаётган одамлар ҳақида қатор принципиал танқидий мақолалар, фельетонлар бериб борилипти. «Сув бошидан лойқа» сарлавҳали танқидий мақолада умумий овқатланиш корхоналари бошқарув аппаратидаги иллатлар дадиллик билан очиб ташланди.

Бироқ биз ҳали ўз ишимизда тўлақонли ўзгариш қилганимиз йўқ. Областнинг иқтисодий ривожланишига доир туб проблемаларни, одамларда янгича фикрлашни шакллантириш муаммоларини янада дадилроқ, ўқишлироқ, ёрқинроқ олиб чиқиш учун тинмай изланишимиз лозим.

2. Қайта қуриш сиёсатининг моҳиятини оммага етказишда журналистнинг масъулияти катта. Редакция коммунистлари давр талабларидан тегишли хулоса чиқариб, ишга, партия топшириқларига муносабатни кескин ўзгартирдилар, десам хато қилмайман. Партия ташкилоти коммунистларнинг ижодий ҳисоботларини мунтазам тинглаб боряпти. Муҳокамаларда коммунистлар ҳамкасблари ижодини ҳар тарафлама таҳлил этиб, камчиликларини рўй-рост айтишяпти. Коммунист Х. Холматов ҳамон майда мавзулар атрофида ўралашиб, жиддий изланишларга интилмаётганлиги унинг ҳисоботи эшитилганда айтилди. Партия турмуши бўлими мудири А. Қодировнинг ижодий ҳисоботини тинглаш жараёнида коммунистлар партия қуйи бўғинлари фаолияти, партияга қабул, ёш коммунистлар билан ишлаш масалалари яхши ёритилмаётганлигини айтиб, ундан мана шу мавзуларга эътиборни кучайтиришни талаб қилдилар. Ижодий ҳисоботлардан сўнг журналистларнинг ишларида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй беряпти.

Редакция бошланғич партия ташкилоти ижодий коллектив куч-ғайратини қайта қуришнинг асосий масалаларини ёритиш, газета ўз ўқувчиси учун катта вазифаларни ҳал этиш жараёнида муносиб ҳамроҳ бўлиб қолишига қаратяпти.

3. Матбуотнинг омма орасидаги обрўсини янада ошириш, унинг таъсир кучини юксалтириш учун менимча икки тўғаноқни бартараф этиш лозим. Биринчиси, журналист кадрлардаги синчковлик ва билимдонликнинг етишмаслиги оқибатида пайдо бўладиган хом-хатала материаллар масаласи. Хом-хатала материал дейилганда мен социал адолат принциплари, кундалик турмушдаги ўткир конфликтли ҳолатларни бошқа вазминлик, билимдонлик, мантиқий асослаш эвазига эмас, аксинча дастлабки таассуротлар, шахсий эҳтиросларга кўпроқ ўрин бериш билан ёзилган мақолаларни тушунаман. Буюк чекистнинг иборасини ишлатадиган бўлсак, журналистда ҳам қайноқ қалб, лекин совуқ ақл бўлиши лозим. Афсуски, баъзан «қайноқ қалб» билан, лекин етарлича ўрганилмай ёзилган материалларга дуч келасанки, улар сохта шов-шув тарзида дастлаб кўпчилик эътиборини тортади-ю, бироқ кўп ўтмай совун пуфагидай ёрилади. Албатта, бундай материаллар газета кўрки бўлолмайди.

Иккинчи томондан партия, совет, хўжалик органлари айрим раҳбарларининг матбуот чиқишларига менсимай қарашлари ҳам ишимизга жиддий тўғаноқ бўляпти. Аёлларнинг ўз жонига қасд қилишидай мудҳиш воқеалар ҳақида газетамиз ўз вақтида анчагина материаллар уюштирди. 1986 йил 28 ноябрда М. Аҳмедованинг «Кейинги пушаймон» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда Фарғона районидаги ёш қизнинг фисқ-фужур қурбони бўлганлиги, бунда маҳаллий партия, совет органлари, жамоат ташкилотларининг айби борлиги кўрсатилган эди. Афсуски, район ташкилотлари хотин-қизларнинг аҳволини енгиллаштириш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш хусусида жиддий қайғурмади. Оқибатда, шу районда кейинги йилларда хотин-қизларнинг ўз-ўзига ўт қўйиши ходисалари яна рўй берди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, энг муҳими, биз — журналистлар ҳаёт ҳақиқатини баралла, очиқ-ойдин газета саҳифасига кўчиришдан чўчимаслигимиз лозим.

*• Партия комитети ва газета*

## РЕДАКЦИЯ ЖАВОБ КУТАДИ

*«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати*

**«Кўпгина ўртоқлар, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида, — матбуотнинг ҳар қандай танқидий чиқишига жиззакилик билан муносабатда бўлиб, бутун эътиборни айрим етарли даражада текширилмаган гапларга қаратмоқдалар. Биз ҳаммамиз ўзимизда сиёсий маданият — мунозара маданиятини, фикрлар хилма-хиллигини, энг жиддий муаммоларни ҳам ошкора муҳокама қилиш кўникмасини тарбиялашимиз зарур».**

Самарқанд области журналистлари билан бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам асосан матбуот чиқишларининг таъсирчанлигини ошириш хусусида фикр юритилди. Унда «Совет Ўзбекистони» газетаси мухбири Ж. Маматов, «Ленин йўли» область газетаси катта мухбирлари С. Ҳусаинов, Ҳ. Нуруллаев, Жомбой район «Шонли меҳнат» газетаси редактори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист М. Мажидов, Булунғур район «Коммунист» газетаси редактори Й. Отамуродов, Нарпай район «Пахтакор овози» газетаси редактори ўринбосари Н. Пардаевлар иштирок этишди.

**Ж. МАМАТОВ:** — Кейинги пайтларда «Совет Ўзбекистони» Самарқанд областидан бир қатор танқидий материаллар берди. Афсуски, бу чиқишларнинг аксарияти айрим раҳбарларга ёқмади. Улар ўзларига тегишли кишиларни турли йўллар билан ҳимоя қилишга уриндилар. Газета чиқишига юзаки жавоб бердилар. Жумладан, Самарқанд шаҳар партия комитети «Сиёбда тартиб бўладими?», Пайариқ район партия комитети «Тилла соат кимга берилди?», область агросаноат комитети «Қиш дастурхонида нима бўлади?» сарлавҳали танқидий мақолаларга ана шундай муносабатда бўлишди. Жомбой районидаги Улуғбек номли совхозда клуб қурилиши ўн беш йилдан бери сансалорликка солинаётганлиги танқид қилингач, область агросаноат комитети раиси М. Холбўтаев редакцияга юзаки жавоб йўллади. Газетада қайтадан материал босилди. Шундан кейин 1988 йил планига киритилган объектни пландан чиқариб ташлашди. Чунки ўртоқ М. Холбўтаев ва унинг муовини М. Кимнинг жаҳли чиқдида. Бундай мисоллар кўп. Область партия комитети биринчи секретари Н. Ражабов журналистлар билан учрашганда бу ҳолни қаттиқ қоралади, область партия активлари йиғилишида бундай яроқсиз иш услуби танқид қилинди. Шунга қарамасдан ҳали аҳвол ўзгарган эмас.

**С. ҲУСАИНОВ:** — Тўғри. Матбуот чиқишларига принципиал жавоб берилмаётгани бепарволик «касали»нинг чуқур илдиз отганидан далолат беради. Шу ўринда «Ленин йўли» область газетаси чиқишларига ҳам айрим раҳбарлар менсимай қараётганини айтиш керак. Масалан, газетанинг шу йил 16 январь сонида «Хизмати яхшику-я, пуличи?» сарлавҳали танқидий мақолада Пастдарғом районидаги ремонт ишлаб чиқариш корхонасида рўй берган камчиликлар асосли равишда танқид қилинган эди. Аммо область агросаноат комитетининг механизация бўлими бошлиғи Ш. Зиётов редакцияга ёзган жавоб хатида ремонт ишлаб чиқариш корхонасини кўкка кўтариб мақташдан нарига ўтмади. Хўжалик ислоҳоти муаммоларини шу зайлда дарров унутишди.

Газета бу темага яна қайтди, лекин область агросаноат комитети унга ҳанузгача аниқ жавоб бергани йўқ. Қизиқ, айрим раҳбарлар нега камчиликлардан кўз юмишади? Ахир, партия иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни уларга ишонмоқда-ку?! Нега улар ишончни поймол қилишади?

**М. МАЖИДОВ:** — Худди ана шу масалада биз ҳам район партия комитетининг қўллаб-қувватлашига муҳтожмиз. Район партия, совет органлари ўз газетасини қўлламас экан, қайта қуриш қуруқ гаплигича қолаверади.

**Н. ПАРДАЕВ:** — Газета қайта қуриш жарчиси, курашчиси бўлиши учун уни қўлламоқ керак. Бу йил газетамизда 32 та танқидий мақола босилди. Шунинг ўнтасига район партия комитети аралашувидан кейин жавоб олдик. Бир қатор чиқишларимиз райком бюросида муҳокама қилинди. Танқидимиз асосли деб топилгач, бюро мажлисида «Победа» колхози правлениеси раиси Ш. Жабборов ишдан олинди. Жиддий камчиликлари фош этилгач, йўл қурилиши бошлиғи С. Ашуров ҳам ишдан четлатилди.

**Ж. МАМАТОВ:** — Танқид энг аввало, тарбиядир. Аммо танқид остига олинган баъзи бебурд, лоқайд, жиноят йўлига кирган кишиларни фақат «ҳайфсан» билангина сийлаш қайта қуриш ишига путур етказади. Масалан, «Совет Ўзбекистони»да чиққан «Савдодаги савдолар» мақоласида қилмишлари очилган, кўра-била туриб жиноятга қўл урган кишиларнинг айримлари «ҳайфсан», «вазифаси пастлатилди» сингари «қалқон»лар билан ҳимоя қилиб қолинди. Область халқ контроли комитети қайта текшириш ўтказганда улар ўз «фаолият»ларини давом эттиришаётгани аниқланди. Ҳатто ўғрилик, харидор ҳақига хиёнат қилганларнинг баъзилари мукофотга тавсия этилди, енгил машинани навбатсиз олди. Хўш, буни қандай тушуниш мумкин?

**Й. ОТАМУРОДОВ:** — Ҳозир бизнинг районимизда планлар ошириб уддаланяпти. Социал юксалиш йўлидан боряпмиз. Чунки танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик, меҳнаткашни қадрлаш, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ сингари принциплар жорий этилмоқда. Район партия комитети ҳар ҳафта газетамизнинг танқидий чиқишларига олган жавобларни суриштиради. Аввалига баъзилар райком ҳамма ишни ўз гарданига оляпти, деб ўйлади. Лекин танқидий чиқишлар доимо назоратда тургани учун вақтида жавоб олиш йўлга қўйилди. Кейинги вақтларда райкомга: «Танқидга жавоб бермаслик фактлари йўқ», деб айтяпмиз.

**С. ҲУСАИНОВ:** — Газетамизнинг шу йил 6 январь сонида «Қишлоқ қачон обод бўлади?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда газетхон Д. Қобилова Ургут районидаги Крупская номли колхознинг Ўроқбойжар қишлоғида ҳеч қандай ободончилик ишлари амалга оширилмаётганини куйиниб ёзди. Кўп ўтмай райижроком раиси Р. Турсунов редакцияга мазкур қишлоқда жуда кўп иш қилинганини ва қилинаётгани ҳақида силлиққина хат ёзди. Наҳотки, газетхон алдаса? Ҳали саволга жавоб топмасимиздан «Октябрь алангаси» район газетасини олдик. Унда «Эътиборсизлик қачонгача?» сарлавҳаси билан район Совети депутати Х. Мўминова ва яна ўн уч кишининг арзи босилганди. Бу ҳам райижрокомнинг редакцияни алдашга уринганини кўрсатиб турибди. Бу эса «Ўз-ўзини алдаш эмасми?» сарлавҳали мақолага асос бўлди. Энди қандай жавоб келаркин, билмадим?

**Ж. МАМАТОВ:** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумида айтилган мана бу гапларни қайта ва қайта ўқиб, уқиб олишимиз керак: «Район газеталарида босилаётган материаллар даражасини кўтариш энг муҳим вазифалардан биридир. Уларнинг фаолияти аксарият ҳолларда даврдан орқада қолмоқда, партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида қарор топаётган туб ўзгаришлар руҳига мувофиқ келмаётир». Бундан тегишли хулоса чиқармоқ лозим, албатта.

**М. МАЖИДОВ:** — Танқид газетада босилиб, орадан вақт ўтиб ҳаммаси унутилса киши ўз меҳнатига ачинади. Танқидни ёзиш осон эмас. Қанча ўрганиш, ўйлаш, мутолаа, мушоҳада, меҳнат қилиш керак. У мавҳумликка кетаверса, ижодкор бир ёзади, икки ёзади, уч ёзади, кейин қўлини қўлтиққа уради-да.

**Х. НУРУЛЛАЕВ:** — Бу гапда жон бор. Жомбой район партия комитети танқидга бефарқ қарайди. Бу райижроком, РАПО ва бошқа идораларга ҳам «юққан». Улар «Ленин йўли»нинг танқидий чиқишларини ҳам оғриниб қабул қилишади.

**Ж. МАМАТОВ:** — Газетага эътибор идеологик ишнинг муҳим бўғинидир. Самарқанд районида кейинги йилларда ғоявий ва сиёсий-тарбиявий ишлар бўшашиб кетди. Райком бюроси идеология ишини кейинга суриб қўйди. Инсон ҳақида ўйлаш унутилди. Социал адолат принциплари бузилди. Райком ва ижрокомнинг ҳафсаласизлиги «Шарқ тонги» газетасида ҳам сезилди. Принципиал танқид камайди, борлари ҳам эътиборсиз қолди. Оқибатда районда мураккаб вазият вужудга келди. Область партия комитети бюроси райком секретарларини партиявий жазога тортди.

**Самарқанд область партия комитети секретари Ф. ШУКУРОВА суҳбатга якун ясади.** — Танқидни таъқибга олишнинг жуда силлиқ йўли ўйлаб топилгани яқинда «Правда», «Известия» газеталарида ҳам кўнгилсиз иш сифатида қайд этилди.

Областимизда ҳам шундай ҳоллар учраяпти. Бу область партия комитетининг пленумида, область партия активи йиғилишида кескин қораланди. Танқид тўғри, ҳаққоний, самимий ёзилса-ю, уни тан олишмаса... Хўш, ким ютади, ким ютқазади? Самарқанд шаҳар партия комитети «Сиёбда тартиб бўладими?» сарлавҳали мақолага вақтида принципиал жавоб берганда эди, ҳозир яна бу мавзуга қайтилмасди. Ахир, ҳалигача бу машҳур бозор чайқовчилар, меҳнатсиз даромад кўрувчилардан халос бўлган эмас.

Область партия комитетининг бюро мажлисларида республика газеталари чиқишларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги, область, район газеталарини қўллаб-қувватлаш ҳақида бир неча бор гапирилди. Лекин кўриниб турибдики, ҳали ҳамма жойда бундан тўғри хулоса чиқариб олинмаган. Бу энг аввало, идеология билан шуғулланувчи кадрларимизнинг қатъиятсизлигини кўрсатади. Партия ташкилотлари матбуотнинг ҳаққоний, принципиал чиқишларини доимо қўллаб-қувватлашлари лозим.

Область, район газеталарида аввало, таъсирчан, долзарб, муҳим аҳамиятга молик танқидни кўпайтирмоғимиз керак. Бир-икки марта чиқиш билан кифояланмаслик зарур. Ахир қайта қуриш — ҳақиқий жанг, ҳақиқий кураш. Шундай экан, жавоб бермади, деб ранжиб қўяқолмасдан, аксинча курашмоқ керак. Кураш кишини тарбиялайди.

Газета — халқ минбари, қайта қуришнинг кўзгуси, қудратли қуролидир. Бу кўзгу журналистнинг ўткир, ҳароратли сўзи билан мунаввардир. Лекин матбуот шахсий манфаатлар, инсоннинг қадр-қимматини камситиш учун хизмат қилмаслиги керак. Журналист партия ва халқ ишониб топширган бундай юксак минбарни ғоят қадрлаши даркор.

## Тўқнашув

*ёки район газетасининг министр билан ёзишмалари*

«Шофиркон ҳақиқати» район газетасининг шу йил 28 январь сонида «Ўгай кўз нигоҳи остида» сарлавҳали мақола босилди. Ушбу материал Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Э. Таймазов, Бухоро пиллакашлик фабрикаси директори Мўминовага очиқ хат тарзида эълон қилинган эди.

«Ҳурматли ўртоқ министр! — дейилади район газетаси редактори А. Ҳасановнинг республика енгил саноат министри Таймазовга юборган расмий хатида. — ...«Ўгай кўз нигоҳк остида» мақоласининг сизга Очиқ хат тарзида ёзилганлиги бежиз эмас. Бухоро пиллакашлик фабрикасининг Шофиркондаги участкасида ғоят ташвишли аҳвол вужудга келди. Бу ҳақда область, республика матбуотида қатор танқидий материаллар ҳам босилди. Участка маъмурияти область пиллакашлик фабрикаси дирекциясига мавжуд нуқсонлар хусусида бир неча марта мурожаат қилди. Афсуски, ижобий ўзгаришлар сезилмади. Шуни назарда тутиб, район газетаси редколлегияси Сиз билан матбуот орқали мулоқот қиляпти...».

Дарҳақиқат, фабриканинг Шофиркондаги участкасида аҳвол ташвишли. 1988 йил январида участка хўжалик ҳисобида ишлашга ўтди. Аммо янги иқтисодий методга ўтишда кўплаб муаммолар кўндаланг бўлди. Етти йилдирки, участкада лаборатория, пилла саралаш цехи йўқ. Участкага мустақиллик бериш йўли билангина мавжуд муаммоларнинг бир қанчасини ҳал этиш мумкин эди. Шунингдек, 400 дан зиёд ишчи меҳнат қиладиган бу корхонада ишлаш ва дам олиш учун етарли шарт-шароитлар йўқ. Чунончи клуб, кийиниш хонаси, душ ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриш зарур. Шундай шароитда ишчилар уч сменада меҳнат қилишмоқда. Участкада кадрлар қўнимсизлиги авж олган. Ҳар йили 120—150 нафар малакали ишчи корхонадан кетиб қоляпти. Сабаби аниқ: шароит ёмон.

Бухоро пиллакашлик фабрикаси директори Мўминова, партия ташкилоти секретари Ғафуров мақолага жавоб қайтаришди. Аммо қандай жавоб денг? Бу — масалага принципиал муносабатда бўлган раҳбарларнинг ҳар томонлама мулоҳаза билан ёзилган мактуби эмас, балки дўқ-пўписалардан иборат эди. Орадан кўп ўтмай, республика Енгил саноат министрлигидан ҳам жавоб хати келди. Министрликнинг бу мактуби самимийроқ ёзилган бўлса-да, фабрика маъмуриятининг жавоб хати мазмунини асосан такрорларди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрига иккинчи мактуб:

«...Яқинда редакция фабрика директори Мўминова ҳамда бошланғич партия ташкилотининг секретари Ғафуров ўртоқлардан расмий жавоб олди...

Фабрика директори Мўминова редакцияга носамимийлик билан жавоб ёзган. У мақоладаги факт ва далилларни асоссиз равишда рад этишга ҳаракат қилган. Ҳатто газета кечирим сўраши керак, деб пўписа ҳам қилган. Мўминованинг бу тахлит йўл тутиши қайта қуриш талабларига, раҳбар этикасига мутлақо ёт, деб ҳисоблаймиз.

Шу йил 12 февралда участканинг 300 дан зиёд ишчи ва хизматчилари иштирок этган йиғилишда Мўминова ва Ғафуров имзолаган жавоб хати муҳокама қилинди. Коллектив бу хатни норозилик билан қабул қилди. Ана шундан сўнг газета ўз материали тақдири билан қизиқиб, 5 мартда «Ким кечирим сўрайди?» сарлавҳали танқидий мақола билан чиқди...

Редакция 9 мартда Ўзбекистон ССР енгил саноат министри ўринбосаридан (фамилияси кўрсатилмаган) жавоб хати олди. Министрликнинг мактуби яна фабрика директори Мўминованинг жавоб хатини такрорларди, холос. Министрликдан газета материалини текшириш учун келган ўртоқ фабрика директорини «хафа қилиб қўймаслик» учун участкани юзаки «сайр» қилган. Аҳвол эса... ниҳоятда жиддий.».

Гап, шундаки, журналистлар М. Носиров, О. Абдуллаев «Ким кечирим сўрайди?..» сарлавҳали мақолани аниқ далилларга, участка мутахассислари, ишчи ва хизматчиларнинг қатъий фикрига таянган ҳолда ёзган эдилар. Фабрика маъмурияти эса ўз фикрини асослаш учун ҳатто «сохта рақам»лардан ҳам фойдаланган. Масалан, 1987 йили участкага 400 килограмм бўёқ, 150 дона фанер берилган, деб таъкидланган. Бу маълумотлар ёлғон бўлиб чиқди.

...Яқинда Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари Тошпўлатов имзоси билан икки энлик жавоб хати олинди. Министр ўринбосари «Ким кечирим сўрайди?» мақоласига муносабат билдириб, газетанинг мавзуга қайтишига унчалик ҳожат йўқ эди, биз мавжуд муаммоларни назорат остига олган эдик, қабилида гап қилди. Бор-йўғи шу!

Бундан ҳайратланмай бўладими? Ахир, мазкур мақола биринчи мақоладаги фактларни такрорлаган эмас, аксинча фабрика раҳбарларининг маънавий дунёсини кўрсатиб берган. Бюрократизмга, қоғозбозликка, расмиятчиликка қарши ўт очган. Бу майда-чуйдалар эмас, жуда муҳим гаплар.

Шундай қилиб, район газетасининг министр билан ёзишмалари давом этмоқда. Редакция хатлар бўлимида министрлик ҳамда пиллакашлик фабрикаси маъмуриятининг расмий мактублари тобора тахланиб бормоқда. Аммо бу ёзишмаларнинг ҳозирча ишга нафи тегмаяпти. Министрлик ва фабрика маъмурияти қоғозбозлик ва ваъдабозлик ўрнига участка ишлаб чиқаришини яхши йўлга қўйиш учун амалий чоралар кўришга киришсалар бўлмасмикан?

**С. МУХТОРОВ,**
**«Шофиркон ҳақиқати» газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.**

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**Ўзбекистон ССРда 17 та республика, 24 та область, 10 та шаҳар, 75 та кўп тиражли, 160 та район газеталари, Қорақалпоғистон АССР да 4 та республика газетаси чиқади.**

●

**Республика бўйича ҳаммаси бўлиб 290 та газета чоп этилмоқда. Уларнинг бир галги тиражи 6 миллион 104 минг нусхани ташкил этади.**

●

**Республикада 62 та журнал, 1 та тўплам, 1 та агитатор блокноти, 24 та бюллетень чиқади. Ҳаммаси бўлиб 88 та журнал ва журнал типидаги нашрлар чоп этилаётир. Уларнинг бир галги ўртача тиражи 6 миллион 915 минг нусхадан зиёд.**

●

**1987 йилда республикамизда 48 миллион 717 минг 600 нусхада, 2 минг 313 номда китоб чоп этилди.**

*• Қуйи матбуот ва қайта қуриш*

## МЕНИНГ УНИВЕРСИТЕТИМ

● Кўп йиллардан бери шу корхонада ишлайман. Кичик фабрика кўз ўнгимда катта бирлашмага айланди. Бирлашмамиз шуҳратига шуҳрат қўшаётган меҳнатсевар, қалби пок ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳақида газеталарга ёзиб тураман.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида биринчи мақолам 1960 йили босилиб чиққан эди. Шундан бери ушбу газета билан муттасил ҳамкорлик қилиб келаман. 1963 йилда «Коммунист» область газетаси редакцияси қошида ташкил этилган ишчи-қишлоқ мухбирлари университетида таълим олдим. Журналистика сирларини тажрибали газетачилардан ўрганганим қўл келди. Илгари ўзимга маъқул келган нарсаларни ёзиб юборaверар эдим. Энди эса редакция ходимлари билан маслаҳатлашадиган, уларнинг топшириқларини бажарадиган бўлдим.

Бошқалар тўғрисида ёзадиган одам аввало, ўзи ҳар жиҳатдан ўзгаларга намуна бўлиши керак. Шу туфайли ҳам мухбирлик мени тарбиялади, десам муболаға бўлмайди. Бировнинг камчилигини ёзаётган одамда ўша нуқсон бўлмаслиги керакда. Шу боисдан ҳам мен ишда, жамоат топшириқларини бажаришда фаол бўлишга интиламан. Ҳозир 2-цех партия ташкилоти секретари, бирлашма ўртоқлик судининг аъзоси, цех халқ контроли группаси раиси, Андижон шаҳар халқ суди маслаҳатчиси сифатида иш олиб боряпман. Турмуш ўртоғим Ширмонхон билан олти фарзандни тарбиялаб вояга етказдик.

Матбуот — менинг университетим. Ҳаётимни газетасиз тасаввур қилолмайман. Корхонамиз коллективи ҳам дам олиш соатларида кундалик матбуотни биргаликда ўқиб, унда хўжалик юритишнинг янгича услуби ҳақида берилаётган мақолаларни қизғин муҳокама қилишади. Шу боисдан бўлса керак, бирлашмамизда иш сифати ва самарадорлиги ҳам ўсиб бормоқда. Аввалги йилларда корхонамизда ишлаб чиқарилган пойабзаллар кўпинча савдо дўконларида уюлиб ётарди. Эндиликда маҳсулотимиз сифати яхшиланганлиги туфайли харидоргир бўлиб қолди.

Умуман, матбуотни мен — катта тарбиячи, деб атаган бўлардим.

**Ў. ХОЛИҚОВ,**
**Андижон пойабзал бирлашмаси мастер ёрдамчиси.**

## ТАНҚИДНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

● Хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципи асосида ишлаш корхонанинг ҳар бир аъзосидан изланишни, ишга ижодий ёндашишни, иқтисодий фикрлашни тақозо этмоқда. Хўжалик юритишнинг янгича услуби редакциямиз ходимлари томонидан ҳам кенг тарғиб қилинаётир.

Биз аввало, янгича иш услубининг афзаллиги ва аҳамияти тўғрисида мутахассисларнинг чиқишларини уюштирдик. Очиғини айтганда, янгича усул барча участкаларда ҳам равон кетмаяпти. Унга аввалги йиллардан оғир юк бўлиб қолган масъулиятсизлик, хўжасизлик, исрофгарчилик ҳоллари жиддий тўсиқ бўлмоқда. Газета ана шу нуқсонлар ва камчиликларга қарши қаттиқ кураш бошлади.

Айрим раҳбарлар, айниқса лаборатория ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида бир неча юз минг сўмлик бўёқ ва кимёвий моддалар омборда тўпланиб қолганди. Ўз ишига лоқайд бир группа мутахассислар акт тузиб, бу нарсаларни ҳисобдан чиқаришга ҳаракат қилишди. Давлат мулкига бундай хўжасизларча муносабатга биз бефарқ қаролмадик. Газетада «Қоғозга ўралган фактлар» сарлавҳали фельетон босилди. Бирлашма партия комитети ва маъмурият фельетон юзасидан текшириш ўтказганда юқоридаги фактлар тўла тасдиқланди. Айбдорлар тегишли жазосини олди. Пировардида ҳисобдан чиқариб ташлашга тайёрланган хом ашё бирлашмага 600 минг сўм фойда келтирди.

Газетамизнинг Али Қодиров, Владимир Помазкин, Андрей Шеляхин каби ходимлари ва 250 нафар жамоатчи мухбири корхонанинг иқтисодий қудратини юксалтиришга ана шундай ҳисса қўшмоқдалар.

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ишчи шарафи» кўп нусхали газетаси ходими.**

## ТАЯНЧЛАРИМИЗ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Тракторостроитель» кўп нусхали газетаси чиқа бошлаганига ҳам қарийб чорак аср бўлди. Шундан буён газета коллективини меҳнат зафарлари сари чорлашда фаол хизмат қилмоқда.

Газетанинг мухлислари жуда кўп. Ҳар бир цехда, бригадада уни ҳамиша орзиқиб кутишади. Завод ишлаб чиқариши, коллектив ҳаётига оид ранг-баранг материаллар қизиқиб ўқилади, муҳокама қилинади. Газета ўз фаолиятида асосан жамоатчи мухбирларга таяниб иш кўради. «Бизнинг бош мухбиримиздан» рубрикаси остида берилаётган материаллар асосан ишчи ва хизматчиларнинг хат-хабарлари асосида тайёрланади. Айниқса, редакция билан кўпдан бери фаол алоқа қилиб келаётган Д. Галиева, Н. Осмонов, С. Грошева, Е. Задоркин, Г. Нуриева, Н. Юсупов, Т. Сергеева каби ишчи мухбирлар кўпчиликка таниш. Уларни ҳамма нарса қизиқтиради: цехларга ўз вақтида деталлар етказиб берилмаслиги, сифатсиз маҳсулот чиқариш ҳоллари, ишчилар учун маиший шарт-шароитлар яратиш масалалари ишчи мухбирларимиз мақоларининг асосий мазмунини ташкил этади. Тўғри, баъзан ишчи мухбирларимизнинг материалларини жиддий қайта ишлашга тўғри келади. Лекин биз, журналистлар бундан эринмаймиз. Чунки, ишчи қўлига бежиз қалам олмайди.

**А. ВОРГУДЯЕВ,**
**«Тракторостроитель» кўп нусхали газетаси редактори.**

